

ISSN 2181-7324




**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

XABARLARI

**IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА НУУЗ



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/6/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишоновна О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Мухаммадиева Л. Туркистон АССР даврий матбуотининг умумий хусусиятлари (Совет нашрлари мисолида)	4
Qosimov M. O‘zbekistonlik partizanlarning sobiq ittifoq hududini ozod etishdagi ishtiroki	6
Suyarov M. Xorazmshoh Takashning hukmronlik faoliyatiga nazar	10
Хасанов Р. Лирик кўшиқчилик тарихи	13
Шанимқулов А. Совет ҳокимияти ахборот сиёсати тарихидан	16
Шотемирова А. Ўзбекистон тараккиётининг янги босқичида жамиятда аёллар нуфузини ошириш борасида амалга оширилган ишлар	20
Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар	
Абдуллаев Т. Антик давр фалсафасида тафаккурнинг билиш жараёнидаги ўрни	22
Abdiyeva S. Chet tilini o‘qitishda yangi texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati va samaradorligi	25
Abduraimov J., Mo‘llajonov M., Abduhalilova H. Ta’limda elektron resurslar tahlili	27
Abdurahmonova M. Chet tillarni o‘rganish va o‘rgatish jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish	29
Абдусаломова Ф. Особенности применения интерактивных методов при изучении русского языка	31
Акилова Ў. Маънавий ислохотларнинг оилавий таълим ва зўравонликнинг олдини олишдаги ўрни	34
Alimova N. Issues of individualization of learning in the teaching of english at non-philological institutions of higher education.....	37
Аминова Н. Социально-философские мысли Фрэнсиса Бэкона на примере “Новой Атлантиды”	40
Ахмедова Б. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим хизмати сифатини оширишнинг моҳияти ва вазифалари	44
Ахророва С. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатининг аҳамияти	47
Ашурова С. 10-11 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда волейбол спорт турининг аҳамияти	50
Ashurova Sh. Bolalarda sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda oilaviy munosabatlarning o‘rni.....	53
Бердиев Б. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтириш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида.....	56
Бозоров Э., Зоирова Л. Изучение сравнительного анализа доз радиации на онкологические опухоли органов организма человека методом “обратная связь”	60
Воуханов I. Ta’lim jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish	63
Валиев Ш. Сунъий интеллектнинг фалсафий муаммолари	66
Довранова О. Постмодерн жамият ва оилавий муносабатлар: тушунча ва моҳият	69
Ёдгорова З. Медиа оламида модаллик категориясига назарий қарашлар	72
Жақсымуратова Э. Республиканинг мактабгача таълим муассасаларида халқ анъаналаридан фойдаланиш	75
Жуманиёзова Н. Аутизм болага психотерапевтик ёрдам бериш усуллари	78
Ибрагимов И. Туркистон жадидларининг ижтимоий-фалсафий генезиси	82
Икромов Б. Бошланғич тайёргарлик босқичида Байдаркада эшкак эшувчиларни курукликда асосий техник элементларни ўзлаштириш орқали машғулот олди хавотирланиш кўрсаткичини пасайтириш	85
Islomov K. Abu Rayhon Beruniyning falsafiy qarashlari	88
Kaljanova F. Ingliz tilini maxsus maqsadlarda o‘qitishning o‘ziga xos xususiyatlari	92
Каримов Г. Ўрта ёшдаги 45-60 ёшли эркеклар учун жисмоний тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда соғломлаштирувчи машқлар жамланмасини ишлаб чиқиш	96
Karimova M. O‘smir yoshidagi qizlarda oilaviy hayot haqidagi tasavvurlarini oila mustahkamligiga ta’siri muammosining nazariy tahlili	99
Кимсанбаева Ш. Ўзбекистонда диний бағрикенглик	101
Kosimov F. The role of student independent work in the learning process.....	104
Кушаков Ф. Илм – ижтимоий ҳодиса сифатида	107
Маматов М. Маънавий тараккиёт – ватан тараккиётининг асосидир	110
Мамаюсупов У. Глобаллашув шароитида виртуал таълим Ўзбекистон таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг муқобил усули сифатида	114
Matkarimova M. Yoshlarni kasbga yo‘naltirishda ijtimoiy omillarning psixologik adabiyotlarda o‘rganilishi	117
Mustafоеva N. The specifics of teaching writing in a foreign language to law students. Analysis of existing methods.....	120
Мухаметов А. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соғломлаштириш машғулотларида юкламаларни меъёрлаштиришнинг илмий-методик асослари	123
Мухаммадиева О., Himmatova N. Xotin-qizlarni ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy faolligini oshirishda xorijiy tajribalarni o‘rganish.....	127
Ne‘matullayeva S. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘yin terapiyasini qo‘llashda innovatsion usullar	131
Низамова У. Чет тилини самарали ўқитишда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг ўрни	134
Орехин-Рыжина В., Ахмедова Г. Значение новых педагогических технологий на занятиях по иностранному языку	137
Otajonova S. Talabalarda valeologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari	140
Равшанова Г. Оилада хотин-қизларга нисбатан таълим ва зўравонликнинг олдини олишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари	143
Рафиқов Қ. Президент Шавкат Мирзиёев халқаро майдонда эътироф этилган янги форматдаги сиёсий лидер.....	147
Rahmatov D. O‘zbekistonda suzish sportining rivojlanishi.....	150
Рузиева З. Русские двувидовые глаголы и пути передачи их семантики на узбекский язык	153
Саидова М. Бошланғич синф дарсликларининг халқаро қиёсий таҳлили ва масофавий ўқитишдаги ўрни	157
Сантмуродов Ж. Гегель дунёқараши шаклланишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари.....	162
Сайдалиева Г. Роль мотивации в изучении иностранного (русского) языка.....	165

Санақулов Ф. Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган дастурий воситаларнинг таълим жараёнига тадбири ва методикаси	168
Содиқова Ш. Оптик нур тоалардаги дисперсия ходисалари мавзусини ўқитишда медиатаълим технологиялардан фойдаланиш методикаси	172
Таджихмедов Ш., Мирзабоев Х. Курашчиларни техник усулларга ўргатишда моделлаштиришнинг самарадорлигини такомиллаштириш	175
Тошбоева М., Ташпулатов Ф. Дзюдо спорт туридаги усулларни амалга ошириш натижасида сарфланадиган килокалория миқдори	178
Тулишов Ғ. Замоनावий таълим менежменти ва педагог фаолиятини такомиллаштириш	181
O'ktamova N. The main principles of teaching sociolinguistic competence for adult learners	184
Ўлмасхўжаев З. Глобаллашув жараёнларининг ёшлар дунёқарашига таъсири	186
Умаров А. Современные проблемы агонального дискурса и возможности его использования в аудиовизуальном методе преподавания русского языка	189
Умурзаков И. Маданият ва санъатнинг жамиятдаги ўрни	192
Уразбаева Д. Онкология соҳасида ишлайдиган тиббий ходимларни ижтимоий-психологик тадқиқ қилишнинг ўзига хослиги	195
Fayzullayev B., Tursunmetov K., Xolboyev Y. Elementar zarrachalarning standart modeli va o'zaro ta'sirlashuvlarni o'rganish metodikasi	200
Xalikova D. Teaching reading skills and creative activities in esl classes	204
Хамдам-зода Л. Метод проектов как перспективная форма интерактивной технологии	207
Хасанова Х. Kimyo darslarida steam tajribalaridan foydalanish	210
Хўжаев М. Мирзо Улугбекнинг давлат бошқарувида сўфийлик таълимотига муносабати	214
Хўшбоқов Д. Ижтимоий-маданий муносабатларда замоनावий алоқа воситаларининг роли	217
Ҳакимов О., Эргашов Ш. Ёшлар тарбиясида ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш омиллари	220
Шамсиддинова Э. Цивилизация жараёни ва ижтимоий онг	223
Шерматов Ғ. Дзюдо мусобақаларида энг кўп қўлланиладиган усуллар ва уларнинг аҳамияти	226
Шодиева З. Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида тавсифланиши	229
Шуқуров Б. Техника олий таълим муассасалари талабаларига физикани ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш услублари	232
Шуқурова Н. Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавиятига таҳдидларини олдини олиш масалалари	236
Эшманов О. Техника олий ўқув юртлирида қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлашнинг илмий-назарий асослари	239
Янгибоева Д. Аккультурация – ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида	242
Филология	
Alimhammedova Kh. Lexical behaviour in academic and technical corpora: implications for esp development	245
Аллаярова З. Илмий тафаккур ва терминология масаласи хусусида	249
Бабаходжаева Н. Бойсун ифтихори (Усмон Азим шеърятига бир назар)	253
Boltaboyev N., Kazakbayeva D. Mohlaroyim Nodira and Khurshidabonu Notavon: secrets of creative similarity and specificity	256
Djumaboyeva J., Jurayeva M. A comparative study of the conceptual metaphors of «time/время/vaqt» in english, russian and uzbek languages	259
Жабборова Ҳ. Радио тилида нутқ маданиятининг меъёрий аспекти	262
Жалолова Ф. Олам лисоний тасвирида “Ўгай она/stepmother” лексик бирлигининг лингвомаданий хусусиятлари	265
Избасарова Ш. Бадий матнни тадқиқ этиш муаммолари	269
Комилова Ш. XX аср Хитой адабиётида “Янги драматургия” нинг ривожланиши	272
Qulbulov Sh. Kompyuter leksikografiyasi: elektron lug'at tushunchasi, ularning turlari, afzalliklari va rivojlantirish istiqbollari	275
Lokteva N. «Семейная хроника» и литературный процесс XIX-XX веков	278
Муратова М. To tell феълнинг аспектиал-семантик таҳлили	281
Murodova D. Pak Vanso romanlarida “men” shaxsining shakllanish masalalari	284
Муҳиддинова Д. Араб ёзувчиси Жамал ал-Ғитоний ва ўзбек ёзувчиси Мирқарим Осим ҳикояларида тарихий мавзуларнинг қиссий таҳлили	288
Назарова Ш. Янги ўзбек шеърятига аруз вазни муаммосига доир айрим қайдлар	291
Normuminov U. Ingliz va o'zbek tillarida atov birliklari va frazeologizmlarida xalq maqollarining lingvomadaniy xususiyatlari	295
Раҳматов М. Алишер Навоий лирикасида шеърый жумла муаммоси	298
Ro'zimatova D. Tilshunoslikda ijtimoiy maqom tushunchasi	302
Саидова Н. Эволюция образа женщины в саудовской обществе в конце XX века (на примере рассказов Ахмада Абду аль-Малика)	305
Саидова Р. Ўзбек адабиётшунослигида семиотик квадратдан фойдаланиш	308
Temirbulatova I. Koreys tilida 그래 hamda 참 diskurs markerining o'ziga xos xususiyatlari	311
Турдибеков М. Ўратепа, Бунжикат, Қаҳқаҳа топонимларининг этимологияси	314
Умарова С. Озарбайжонда Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши	317
Хатамова Д. Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида	320
Choriyeva A., Lokteva N. Ayolning hayotga bo'lgan qarashlari (Enn Tayler “Yerning ne'matlari” romani misolida)	324
Elmurodova S. Hozirgi zamon ingliz tili matematik terminlari tahlili	327



Ўғилхон АКИЛОВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети докторанти

МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ТАЪЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Ҳар қандай давлатнинг демократлилик даражаси унда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг тўла ҳимоя қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда дунё давлатларининг деярли барчасида инсон ҳаёти, соғлиги, унинг шаъни, кадр-қиммати, дахлсизлиги конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниб, зўравонлик ва камситишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Аммо бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири оиладаги таъйиқ ва зўравонлик бўлиб, аксарият ҳолатларда мазкур жараённинг жабранувчилари хотин-қизлар эканлиги кўрсатилмоқда. Мазкур мақолада оиладаги таъйиқ ва зўравонликка қарши кураш, унинг олдини олиш масалалари атрафлича тадқиқ этилган. Ушбу муаммонинг самарали ечими сифатида маънавий ислоҳотларни янада ривожлантириш, маънавий тарбия ва тарғиботлар таъсирчанлигини ошириш зарурлигидан иборат илмий хулоса, тақлиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: таъйиқ, зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, руҳий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, маънавият, маънавий тарбия, маънавий кадрият, гендер тенглик, ҳимоя ордери, резолюция, маҳалла, ижтимоий-маънавий муҳит, жамоатчилик назорати.

РОЛЬ ДУХОВНОЙ РЕФОРМЫ В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ ДАВЛЕНИЯ И НАСИЛИЯ В СЕМЬЕ

Аннотация

Степень демократичности любого государства тесно связана с полной защитой прав и интересов человека. Сегодня практически во всех странах мира жизнь, здоровье, достоинство, неприкосновенность человека охраняются Конституцией и законами, не допускаются насилие и дискриминация. Однако одной из самых острых проблем на сегодняшний день является домашнее давление и насилие, и во многих случаях жертвами становятся женщины. В данной статье рассматривается борьба с насилием в семье и его профилактика. В качестве эффективного решения этой проблемы были сделаны научные выводы, предложения и рекомендации, в том числе о необходимости дальнейшего развития духовных реформ, повышения эффективности духовного просвещения и пропаганды.

Ключевые слова: угнетение, насилие, экономическое насилие, психическое насилие, физическое насилие, духовность, духовное воспитание, духовное достоинство, гендерное равенство, охранный ордер, резолюция, махалля, социально-духовная среда, общественный контроль.

THE ROLE OF SPIRITUAL REFORM IN THE PREVENTION OF FAMILY PRESSURE AND VIOLENCE

Annotation

The level of democracy of any state is closely linked with the full protection of human rights and interests in it. Today, in almost all countries of the world, human life, health, honor, dignity, and inviolability are protected by the constitution and laws, and violence and discrimination are prohibited. However, one of the most pressing issues today is domestic violence and violence, and in most cases the victims of this process are women. This article examines in detail the issues of combating and preventing domestic violence. As an effective solution to this problem, scientific conclusions, suggestions and recommendations are given, including the need to further develop spiritual reforms, increase the effectiveness of spiritual education and propaganda.

Keywords: oppression, violence, economic violence, mental violence, physical violence, spirituality, spiritual upbringing, spiritual value, gender equality, protection order, resolution, makhalla, socio-spiritual medium, public control.

Тарихдан маълумки, жамият тараққиёти маънавий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Маънавият, маърифат, илм-фан ривожланган жамиятдагина ҳар қандай соҳада ўсиш, иқтисодий ривожланиш ва барқарорлик кузатилади. Аксинча, маънавий кадриятларнинг кадрсизланиши, соҳага эътибор қаратмаслик эса бевосита жамиятда турли иллатлар, жаҳолатнинг ортишига ва охир-оқибат мазкур жамият таназзулига олиб келади. Шундай экан, ҳар қандай муаммога жумладан, бугунги кунда тобора долзарб тус олаётган хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш масаласида ҳам маънавий омиллар ҳал қилувчи ўрин тутди.

Умуман, хотин-қизларга нисбатан, таъйиқ, зўравонлик ва камситиш ҳолатларининг учраши маънавият сустиги билан боғлиқ муаммо дейиш мумкин. Чунки таъйиқ ва зўравонлик жамият маънавий кадриятларига зид тушунча бўлиб, юксак маънавий-ахлоқий тарбияга эга бўлган шахс мазкур ҳатти-ҳаракатларни содир этмайди. Шу билан бирга миллий маънавий ва умуминсоний тамойилларга асосланувчи

адолатли фуқаролик жамияти хотин-қизларга нисбата таъйиқ ва зўравонликни қабул қилмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда зўравонликни камайтириш, маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни давлат томонидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларга ҳам ўз иқтидори, истеъдодини эркин намоён қилишга кенг имкониятлар яратиб бериш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда маънавий ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2019 йил 3 сентябрдан “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қучга кирди. Мазкур Қонунга асосан хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари таъйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан Таъйиқ ва зўравонликдан жабранган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом тасдиқланди.

Низомга кўра химоя ордери 24 соат ичида зўравонликка учраган фуқарога ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади. Тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки шунга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш ва тезкор маънавий, руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш мақсадида ИИБ томонидан оилавий зўравонлик бўйича хабарлар “1259” қисқа рақами 24/7 фаолият юритиши, “1146” Ишонч телефони “AZIZAYOL.UZ” ягона интерактив миллий порталнинг фаолият юритаётгани ҳам жамиятимизда аёлларнинг ҳар бир соҳада ўзига керакли бўлган ҳуқуқий ва психологик ёрдам, маънавий кўмак берувчи давлат ва ндавлат ташкилотлари фаолият юритиши ҳам уларни ҳар жиҳатдан химоя остида эканлигини ифодалайди.

“Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб борапти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак” [1]. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида, ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опсингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгагини ташкил этиш таклифи илгари сурилди [2].

Бу тузилма ўз фаолияти давомида хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларни бартараф этишнинг энг мақбул йўларини аниқлаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш ишларини ташкиллаштиришга кўмаклашиши, шу иш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш учун ваколатли орган ва ташкилотларга таклифлар беради. Аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш йўли билан содир этиладиган жиноятларнинг асосида турли сабаблар ётади. Аёлларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши содир этиладиган жиноятлар жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва уларни тартибга соладиган нормалар, маънавий бўшлиқ, гендер нотенглик ҳамда бошқа ижтимоий, иқтисодий ва руҳий омиллар асосида шаклланади. Хорижий давлатларнинг мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларни ўрганиши асосида аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- иқтисодий омиллар;
- атрофдагилар билан муносабат омиллари;
- умумий ижтимоий муносабат омиллари;
- шахсий омиллар [3].

Масалан, иқтисодий омиллар аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликларга муносабатни акс эттирувчи ҳуқуқнинг иқтисодий ва ҳуқуқий-сиёсатини, жамиятда шаклланган маданият, ижтимоий нормалар ва ўзаро муносабатлар амалиётини ўз ичига олади. Хомашёга бўлган имконият, ижтимоий назорат тизими ва аҳолининг турмуш тарзи баъзи ҳудудларда маиший зўравонликнинг мавжуд бўлиши ва мунтазам содир этилиши учун асосий омиллар ҳисобланади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг қониқтирилмаслиги, яшашдан зериктиш, умидсизликка берилиш, зиддиятлар, руҳий зўриқиш ёки ўзига ишончсизлик каби шахсий сунистеъмолликларнинг ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Аёллар турмуш кечирадиган ёниқ ижтимоий муҳит зўравонликнинг ўсишига олиб келувчи яна бир омиллардан ҳисобланади. Ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, зўравонликка учраган ўттиз ёшга бўлган аёлларнинг 45 фоизини айнан ўқимайдиган ёки ишламайдиган ва уйда ўтирадиган аёллар ташкил қилади. Қатъий ижтимоий ва дўстона алоқаларга эга аёллар эса

маиший зўравонликка камроқ дучор бўладилар [4]. Аёлни ўраб турган яқинларининг зўравонликка бўлган муносабатлари ҳам аёлларнинг зўравонлик қурбони бўлишга туртки берувчи омил саналади. Зўравонликка ота-онанинг, турмуш ўртоғининг, яқин қариндошларнинг, жамоа вакилларининг, иш бўйича ҳамкасбларнинг, маҳалланинг бефарқ муносабатлари оиладаги зўравонликнинг кучайишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда эркак томонидан оилада аёлга нисбатан зўравонликнинг содир этилишига олиб келади. Яқин кишиларнинг, дугоналарнинг ўз оилаларида тез-тез зўравонликка дучор бўлишлари зўравонликнинг “легаллашига” туртки беради ва бу оиладаги нормал турмуш тарзи сифатида қабул қилинишига олиб келади. Эркакларнинг оиладаги зўравонликлари умумий тарзда камбағаллик ва ишсизлик даражаси билан боғлиқ бўлиб, ён-атрофдагиларнинг шундай оилаларга кўмак бериш истақларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига ҳам боғлиқдир.

Атрофдагилар билан муносабат омиллари ўзининг тушунчасига кўра бир ёки бир нечта ён-атрофдагилар билан ижтимоий алоқага эгаллик ёки эга эмаслик ҳолатини намоён этади. Муносабатлардаги ҳар қандай бузилишлар, масалан, турли жинсга, маълумотга эгаллик, манфаатларнинг айрилиги, ҳаётдаги қадриятларни турлича талқин этиш, хулқ-атвордаги зиддиятлар, ишонч даражасининг ва обрў-эътиборнинг пастлиги аёлларга нисбатан зўравонлик содир этилишига туртки бериши мумкин. Умуман олганда, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 90%и эркаклар томонидан содир этилади. Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг аёлларга нисбатан зўравонлик жиноятлари содир этилишининг асосий сабабларидан бири – бу жамиятдаги аёлларнинг ўрнини, ҳолатини белгиловчи гендер тенгсизлик эканлиги ҳақидаги фикрлари асосида ҳақиқат мавжуд. Шу боис аёл ва эркак ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг тақсимланишидаги ва уларга эгаллик қилиш имкониятларидаги тенгсизлик, эркакларнинг жамиятдаги устувор мавқеда эканлиги ҳақидаги тасаввурларнинг кучайишига олиб келади.

Гендер тенгсизлик соҳасига аёллардаги маълумот даражасининг пастлиги, даромад олишдаги ва оила ҳўжалигида қарорлар қабул қилишдаги тенгсизлик, оилаларда ўғил болаларнинг туғилишига муносабатнинг юқорилиги каби ҳолатлар тааллуқлидир. Аёлларнинг анъанавий гендер роли кўплаб жамиятларда уларга нисбатан содир этилаётган зўравонликлар туфайли ҳам юқоридир. Гендер тенгликни эътироф этган мамлакатларда аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиб, содир этилаётган жиноятлар сони ҳам кескин камайиб бормоқда.

Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

иккинчидан, аёллар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича ишларнинг аҳолини доимий равишда ва комплекс мониторинг қилиш, уларнинг оилада, жамиятда ҳамда жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги ролини ошириш;

учинчидан, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чоралар қабул қилиш ва амалга ошириш, уларни ишга жойлаштириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, аёллар орасида, айниқса, кишлоқ жойларида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш;

тўртинчидан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган

тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аёллар нодавлат ногижорат ташкилотларининг мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун кўмаклашиш [4]. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёллар билим даражасининг ошиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд [5]. Аёл бошқарадиган оилавий даромад улушининг ошиши озиқ-овқат, болалар таълими ва уларнинг кийим-кечакларига харажатларни ошишига олиб келади ва бунда оиланинг алкохол ва тамаки маҳсулотларига кетадиган харажатлари пасаяди [6]. Аксинча, хотин-қизларга нисбатан салбий муносабатда бўлиш, уларни хурмат қилмаслик, аёл бўлганлиги учун камситиш ва паст баҳо бериш ҳолатлари жамият тараққиётига зид таъсир кўрсатади.

Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўқинлик қиладиган омиллар носоғлом ижтимоий-маънавий муҳит таъсирида юзага келади [7]. Шу туфайли тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш энг аввало, маънавий омилларни оптималлаштириш, юксак маънавиятнинг қарор топтиришга қаратилган чора-тадбирлар билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5938-сон Фармони ҳам айнан юқоридаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Фармонда белгиланганидек, жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йилнинг 17 декабрдаги резолюцияси билан 25 ноябр — Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни деб эълон қилинган. Шу боис ҳар йили дунё миқёсида 25-ноябрдан 10-декабргача "Зўравонликка қарши 16 кун" шиори

остида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган. Мазкур тадбирларнинг асосий мақсади ҳам хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклига йўл қўймастик учун жамиятда маънавий ва ҳуқуқий саводхонликни оширишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий воситаси юксак маънавиятдир. Зеро, одамларнинг онги ва дунёқрабини ўзгартирмай туриб, гендер тенглик соҳасидаги ислохотлар самарасини таъминлаб бўлмайди. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам “... Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила кўрғонининг кўриқчиси сифатида хурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”[8] деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлган илмли ва маънавиятли оналаргина бугунги шиддат билан ривожланаётган замон талабларига муносиб, ҳар томонлама баркамол инсон - комил шахсни вояга етказишга қодир бўлади. Ўз навбатида, юксак маънавиятли инсонлардан таркиб топган адолатли фуқаролик жамиятида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг ҳар қандай шаклига йўл қўйилмайди. Шундай экан, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик, камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам беришда куйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Учинчидан аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ошириш зарур.

Тўртинчидан, жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, оила ва хотин-қизларга нисбатан хурмат, оналик ва болаларни муҳофаза қилишга қаратилган маънавий-маърифий тадбир ва тарғибот ишлари кўламини янада кенгайтириш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. 2021 йил 26 февралдаги хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан селектордаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2021 йил 27 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 25 январь
3. А.Закирова, Қ.Абдурасулова. Хотин-қизларнинг зўравонликдан жабрланишининг сабаблари ва унинг олдини олиш // Жамият ва инновациялар //12 (2021). Б.3
4. Chen, D. H. C. (2004) Gender Equality and Economic Development. The Role for Information and Communication Technologies. World Bank Policy Research Working Paper 3285, P. 28.
5. напр., Rubalcava, L., G. Teruel, and D. Thomas (2009) Investments. Female Incomes on Patterns of Household Expenditure. *Economica* 65 (260): 599–613.)
6. Ш.Пулатова, А.Муродов — Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш. Т.: 2020. — Б.8.
7. [https://nrm.uz/content/O'zbekiston-Respublikasi-Prezidenti-Shavkat-Mirziyoevning-Oliy-Majlis-Senatining-yigirmanchi-yalpi-majlisidagi-nutqi_\(2019_yil_21_iyun\).](https://nrm.uz/content/O'zbekiston-Respublikasi-Prezidenti-Shavkat-Mirziyoevning-Oliy-Majlis-Senatining-yigirmanchi-yalpi-majlisidagi-nutqi_(2019_yil_21_iyun).)